

Мамлакатимизда

- Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида 2002 йилги пахта ҳосили учун истиқболли ғўза навларини танлаш ва уларни жойлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- «Турон» санаторийсида яна бир она ва бола бўлими очилди. Бу нарсга бу ерда кўрсатиладиган тиббий хизмат тармоғини янада кенгайтириш имконини беради.
- Тошкентда «Ўзгўштсўсноат» давлат-акционерлик уюшмасининг улгуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтди.
- Миллий матбуот марказида тарихчи олим Р. Шамсуддиннинг «Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар» китоби ҳамда унинг Ҳабибулло билан биргаликда ёзган «Елқин» романининг тақдими ўтказилди.
- Қаршида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Республика бош штабининг йиғилиши бўлди.
- «Бухоротекс» акциядорлик жамияти «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлими ҳисоб рақамига ногиронларга ёрдам кўрсатиш мақсадида 500 минг сўм ўтказди. Бу ерда шаҳар кўзи оғирлар жамиятининг 300 нафар аъзоси учун дастурхон ёзилади. (Халқаро ногиронлар кўнига бағишланган суҳбатни газетанинг ўқинчи саҳифасида ўқийсиз).
- Термиз Давлат университетидеда шаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган «Термиз ва термизийлар» мавзусидаги илмий-адабий анжуман ўтказилди.

Жаҳонда

- Бундан Бухарестда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг мажлиси очилди.
- 1 декабрда румин халқи Руминия бирлашган кўнини нишонлади.
- Ўтган шанба кўни Афғонистон пойтахти Кобулда Россиянинг гуманитар маркази очилди. Марказ Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистондан Афғонистонга келадиган гуманитар юкларни мувофиқлаштириб туради.
- NBC телекомпаниясининг хабарига кўра, АҚШ ўз ҳарбий амалиётини натижасида «Толибон» ҳаракати ва «Ал-Қаида» ташкилотининг жами 35 нафар етакчиларидан 6 нафарини йўқ қилган. Ушбу хабарда айтилишича, айни пайтда толиблар раҳбари ўз қуролли кўчлари устидан ўрнатган назоратини йўқотган. Ва, у ўз жонини сақлаб қолиш мақсадида террористлар раҳнамоси Усама бин Ладдинни АҚШ қўлига топширишга ҳам тайёр эканлигини маълум қилган.
- Кеча Боннда БМТ шафелигида ўтказилаётган конференцияда музокаралар давом эттирилди. Муваққат ҳукумати ўтиш даврида Президент Раббоний ҳам ёки собиқ қирол Зоҳиршоҳ ҳам бошқармайди. Уни мўқбил номзод бошқаради. Ўтиш даври ҳукуматининг фаолият мuddати бир ярим йилни ташкил этади. Шунингдек, мамлакатда БМТнинг тинчликпарвар кўчлари ҳам жойлаштирилади.
- АҚШ аҳолисининг 91 фоизи Афғонистондаги ҳарбий операцияни тўла қўллаб-қувватламакда. «Эй-би-си» телекомпанияси ҳамда «Вашингтон пост» газетаси ҳамкорлигида ўтказилган сўров натижалари шундан далолат бермоқда. Шунингдек, сўровда қатнашганларнинг 81 фоизи террористларга қарши ҳарбий ҳаракатларини бошқа давлатларда ҳам давом эттириш мумкин деган фикрда.
- Буюк Британия мудофаа вазирининг фикрича, халқаро коалициянинг террорчиликка қарши кураши келгусида ҳам давом этади. У халқаро коалициянинг Усама бин Ладдин ва «Ал-Қаида» жиной ташкилотига қарши кураши фақат Афғонистон худуди билан чегараланмаслигини маълум қилди.
- Ҳиндистон матбуотининг ёзишича, Афғонистондаги ҳарбий операция пайтида хибсга олинган «Ал-Қаида» ташкилотининг 13 аъзоси Тинч океанидаги Ваке оролига келтирилган. Аввалига уларни Гуам оролига келтириш мўлжалланган эди, бироқ, орол аҳолиси бунга қаршилиқ билдиргач, Пентагон вакиллари асирларни Вакега келтиришга қарор қилган.
- Индонезия ҳукумати мамлакатнинг нотинч худудларига, айниқса, Ачех ва Ириан-Жая вилоятларида ҳарбийларни кўпайтирмакда. Айни пайтда айирмачи гуруҳларга қарши курашаётган аскарлар сони эллик мингдан ошган. Ҳукумат вакилларининг айтишича, айирмачилар тинчлик шартномаларига рўй қўймаётгани боис мазкур худудларга қўшимча кўч жўнатилади.
- Бундан бир мuddат олдин қўлга олинган Индонезиянинг собиқ Президенти Сухартонинг ўғли Томми Сухарто мамлакат полиция ҳодимлари томонидан судга топширилди. Маълумки, у шу вақтгача қалъаликда айбланаётган эди. Шунингдек, мамлакат полиция мулозимлари Томми Сухартонинг Индонезия Олий суди судьяси қотили эканлигини ҳам айтишмоқда.
- Франция ҳукумати мулозимлари мамлакат Куролли кўчлари сафига қақриқлар келаси йилда бутунлай тўхталишини маълум қилди.
- Миср Президенти Хусний Муборак Мисрнинг Шимолий Кореядан баллистик ракетага сотиб олаётгани ҳақидаги хабарни рад этди. Агар Шимолий Кореянинг бизга баллистик ракета етказиб бераётгани рост бўлганда, бу ҳақда ўзимиз ошкор этардик. Чўнки, ҳозир бирор-бир ишчи махфий амалга ошириш мумкин бўлмайд қолди, деди у.
- Кўни кеча Озарбайжон махсус хизмат вакиллари мамлакат Президенти Ҳайдар Аливнинг ўғли Илҳом Алиевга суиксуд уюштиришга аракет бўлганлигини маълум қилишди. Маълумки, айни пайтда Илҳом Алиев мамлакат нефть компанияси раҳбарининг биринчи ўринбосари лавозимда фаолият кўрсатади. Шунингдек, у мамлакат парламенти депутаты ҳамдир.
- Буюк Британияда «Мамлакат компанияси» миллий бизнес-танлови нўхоясига етди. «Йилнинг энг зўр корпорацияси» номига «Шелл» корпорацияси муносиб топилди. «Йилнинг энг зўр раҳбари» деган унвон эса «Бритиш петролеум» корпорацияси бошлиғи Жонн Браунга насиб этди.
- Кеча Хабаровск ўлкасида «Ил-76» самолёти фалокатга учради. Дастлабки маълумотларга қараганда, фалокат натижасида 18 киши ҳалок бўлган.
- Кеча Швейцария аҳолиси умумийлиги референдумида армиянинг кераклиги тўғрисидаги масалани ҳал қилди. Швейцария ҳукумати армиянинг бекор қилинишига қарши чиқмоқда.
- Кеча Исроилнинг Хайфа шаҳрида йўловчи автобусида рўй берган портлаш оқибатида 16 киши ўлдирилди ва 60 киши жараҳатланди. Кўни кеча эса Куддусда ўзини ўзи ўлдирадиган 2 террорист пиёдалар ўттириш жойида ўзини портлатиб юборди. Ана шу террорчилик ҳаракати оқибатида 11 киши ҳаётдан кўз юмди ва 180 дан зиёд киши жараҳатланди. Исроил маъмурлари Фаластин муқториятининг бутун худудида фавуқода ҳолат жорий қилдилар.

МДХнинг юбилей саммити



Москва, 30 ноябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Илгари хабар қилинганидек, Россия пойтахтида МДХга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Маълумки, декабрь ойида МДХ ташкил топганига ўн йил тўлади. Президентлар ўтган ана шу вақт мобайнида Ҳамдўстлик доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилди. МДХнинг бугунги аҳволи ва келажаги хусусида фикр алмашди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Ҳамдўстлик фаолиятида биринчи галда ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий интеграция масалаларига аътиборни янада кучайтирмоқ кераклигини, ҳар хил ҳарбий-сиёсий мавзуларга чалғимай, ўзаро манфаатли муносабатларни раванқ топтиришга интилиш мақсада мувофиқлигини таъкидлади. Зотан, МДХни тузишдан мақсад ҳам мавжуд иқтисодий ришталарни сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан иборат эди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг ялпи мажлисида ўзаро савдодаги чекланишларни бартараф этиш борасидаги ишлар, товарлар ва хизматлар оқимини кўпайтириш ва енгиллатиш учун ахборот-маркетинг марказларини тузиш, таълим, маданият, солиқ, божхона соҳаларида фаолият кўрсатувчи муассасалар, ҳўжалик судлари ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Мажлисда Афғонистондаги вазият ва мазкур мамлакат халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳамда хавфсизликка оид масалалар ҳам кўрилди.

Давлатлар раҳбарлари МДХ тузилганининг ўн йиллиги муносабати билан ҳамда Афғонистондаги вазиятга доир баёнотларга имзо чекди.

СУРАТДА: саммит ишидан лавҳа.

Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КўНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТЛАРДА

- **ЎЗБЕКISTON** Республикаси Фанлар академиясининг тарих институтида «Ўзбекистон тарихи давлатчилиги» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.
- **ЎЗБЕКISTON** Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтказилган анжуман «Эксперт амалиёти ва менежмент» деб номланди.
- **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги академик лицейда ўқувчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 йиллигига бағишланди. Шунингдек, Яққасарой туманидаги 127-мактабда, Ҳамза туманидаги қурилиш касб-ҳунар коллежидеда ўқувчилар иштирокида Асосий Қонунимизга бағишланган анжуманлар ўтказилди.
- **ТОШКЕНТ-Шератон** меҳмонхонасида Республика очик жамияти институти ташаббуси билан давом этаётган «Ўзбекистонда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш» мавзусидаги анжуман ЭРТАГА нўхоясига етди.
- **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетида профессор-ўқитувчилар иштирокида «Техника олий ўқув юрларида фундаментал фанларни ўқитиш муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.
- **«ИСТИҚЛОЛ»** ёшлар клубида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари ва клуб аъзолари иштирокида ўтказилган семинар-тренинг «Партия ва ёшлар» деб номланди.
- **ПОЙТАХТИМИЗДА** Ёғ-мой тамаки саноати уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган ёғ-мой маҳсулотлари улгуржи савдо ярмаркаси нўхоясига етди.
- **САЙИЛГОҲ** қўчасида Тошкент шаҳар ИИББ Ёғин хавфсизлиги хизмати бошқармаси ҳодимларининг ҳам-шаҳарлар билан учрашуви ўтказилди.
- **РЕСПУБЛИКА** кар-соқролар жамияти қошида соғломлаштириш маркази ташкил этилди.
- **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Ўзғариш» маҳалласида фалоллар иштирокида ҳашар бўлиб ўтди.
- **«ЮНСОБОД»** спорт мажмуида «Труд» газетаси соврини ҳамда истиқлолнинг 10 йиллиги муносабати билан ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган халқаро шахмат мусобақаларига яқун эъсалди.

«Умр» билан ҳамкорликда

Тошкент Давлат педиятрия тиббиёт институти кўз касалликлари кафедраси негизида ташкил этилган саломатликни тиклаш маркази фаолиятини йўлга қўйишда Буюк Британия жароҳлари билан бамаслаҳат иш тутилди. Эндиликда шифобахш даргоҳга айланиб қолган мазкур марказ ўзининг мустақам негизига ҳам эга.

Тошкент шаҳар «Умр» жамоатчилик марказидан ҳам шу мақсада фойдаланилмоқда. Бу ерда ота-оналар ва педаголар учун тиббий маслаҳатлар берилмоқда. Муолажалар олий боришга доир даволаш усулларини тарғиб этишга киришилди.

Ногирон болаларни масофадан туриб ўқитиш режаси ҳам ишлаб чиқилмоқда. Бу эса Интернет алоқа тизими махсус дастуридан фойдаланиш имконини беради.

Анвар ВАЛИЕВ


«УМИД ЮЛДУЗЛАРИ» ПОРЛАДИ!

Тошкентдаги «Ўзкўргазмасавдо» саройида икки кун давомида мусиқа санъати оламига кириб келаётган ёш истеъодларнинг фестивали бўлиб ўтди

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» Юртбошимизнинг мана шу сўзлари бугунги кунда ҳаётимизнинг дастурамалига айланди. Бугунги кунда буюк келажакимизнинг бунёдкорлари бўлиш ёш авлоднинг маънавий, маърифий, ҳуқуқий, жисмоний, сиёсий, кўйингчи ҳамма жиҳатдан камолотга эришиши йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ёш иқтидорларни танлаб, келгусида уларнинг истеъодларини тўла юзага чиқариш мақсадида турли-туман тadbирлар, танловлар, фестиваллар, анжуманлар ташкил этилмоқда. Жаҳон спорт майдонларида, мусиқа саҳналарида ёш иқтидорларимиз ўз муваффақиятлари билан мустақил юртимиз довуруғини оламга таратаётган бўлсалар, илмга чанқоқ ёшларимиз етакчи мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юрларида замонавий билимларни эгалламоқдалар. Энг қувонарлиси, улар том маънода мамлакатимиз сўянчи ва таянчи бўлишга собитқадамлик билан интиломоқдалар.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси ва Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, «Ўзбекнаво» эстрада концерт бирлашмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Умид юлдузлари» фестивали ҳам ёш истеъодларни кашф этиш, келгусида улар учун катта санъатга йўл очишдек хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда ўтказилди.

Икки кун давомида «Ўзкўргазмасавдо» саройида зални тўлдириб ўтирган ёш мухлисларнинг завқ-шавқ билан қизгин қўллаб-қувватлашлари остида жуда кўплаб бўлғуси санъат юлдузлари



ажойиб маҳоратининг гувоҳи бўлдик. Ушбу бетакрор санъат фестивали эса ташкилотчилар томонидан амалга оширилган улкан санъ-ҳаракатларнинг меваси бўлди — зеро, бир ойдан ортиқ вақт ичида шаҳримизнинг барча мактаблари, санъат ва мусиқага оид билим юрларида тахсил олаётган ёш санъат ихлосмандлари орасидан энг муносиблари танлаб олинди. 8 ёшдан 25 ёшгача бўлган турт юздан ортиқ энг иқтидорли ёш ҳаваскорларга ўз санъатларини саҳнада намойиш қилиш насиб этди.

Албатта, фестивални олиб борган сеvimли эстрада юлдузимиз, Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Зокиров ва Камолот Тошўлатовлар, меҳмон сифатида ўз қўшиқлари билан қатнашган Севара Назархон, Руслан Шарипов ва бошқа санъаткорларнинг чиқишлари унинг нўхоятда кўркам ва файзли ўтишига мўҳим ҳисса қўшди.

...Фестивални турли миллатларнинг рақслари дастури билан шаҳар мактабларининг рақс бадийи жамоалари бошлаб берди. Тадбир ҳар бир қатнашчисининг чиқиши йиғилганлар дилига илқиклик ва қувонч бахш этди. Айниқса, Чилонзор тумани қўшимча таълим мажмуаси эстрада студиясининг солисти Жасур Соатов, 23-мусиқа мактаби яққасхони Дибёрбек Маҳхамов, Ражабийлар сулоласининг вакили Азиз Ражабий,



Кристина Мўминова, Кристина Гибергерларнинг юрта мўҳаббат, Ватанга садоқат, болаликнинг бахтли онлари тўғрисидаги қўшиқлари, «Шод», «Фидо», «Аладдин» гуруҳларининг чиқишлари йиғилганларга олам-олам завқ бағишлади. Чилонзор туманидаги қўшимча таълим мажмуаси солисти Сардор Эшмуҳамедов ўткир, кўнгирак овози билан қуйлаганда мутахассис ва мухлислар фестивал ҳақиқатан ҳам ёш санъат юлдузларини кашф этаётганига тан берди.

Биз фестивал айрим қатнашчиларининг таасуротлари, ўй-фикрлари билан ўртоқлашдик:

• **Жасур СОАТОВ,** Чилонзор туманидаги қўшимча таълим мажмуи эстрада студияси яққасхони: — 9-мактабда таълим олиш билан бирга икки йилдан буюн эстрада студиясига қатнашиб санъат сирларини ўрганипман. Келгусида Фарруҳ Зокиров, Руслан Шариповлар каби моҳир эстрада қўшиқчиси бўлиш ниятим бор. «Умид юлдузлари» каби фестиваллар биз ёшларнинг тезроқ камол топиб, маҳоратимиз сайқалланишига мўҳим ҳисса қўшади. Шу сабабдан унинг ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

• **Светлана ҚАБУЛБЕКОВА,** Темирйўлчилар маданият саройи қошидаги «Ассалом, кўёш» болалар рақс дастасининг рақсдосаси: — Рақс санъати ёшларимиз жон дилим. Мана беш йилдирки, «Ассалом, кўёш» дастасига қатнашиб келяпман. Бу ерда жаҳон халқларининг қўллаб рақсларини ўргандик. Менга, айниқса, ўзбек рақслари — хоразмча, бухороча рақслар жуда ёқди. «Умид юлдузлари» фестивали мени ўз устимда янада кўпроқ илшашга, келгусида рақсда бўлишга янада руҳлантирди.

• **Камол Йўлдошев,** «Севинч» гуруҳи аъзоси: — 13 ёшдан. Уч йилдан буюн «Севинч» гуруҳида бадий раҳбаримиз Саодат опа Музаффарова ва композитор Ҳуршида опа Ҳасановалар бошчилигида мусиқа ва ашула санъати сирларини ўрганиб келяпман. Келгусида қўшиқчи бўлиш ниятиданман. Шу каби фестиваллар ўтказилар экан, ёш талантлар ҳам юзага чиқаверади деган фикрдаман.

Фестивал якунида барча гуруҳларга дипломлар, қатнашчиларга эса эъдалик соғвалари топширилди. Мутахассислар тadbирининг қўллаб янги номларни очганлигини эътироф этишди. Ёш иқтидорларни кашф этиб, уларга санъат сари йўл очадиган бундай тadbирларни келгусида мунтазам равишда ўтказиш мўлжалланмоқда.

«Умид юлдузлари» фестивалида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Ҳ. Сулонов, З. Хусниддинов, Бош вазир ўринбосарлари Д. Гуломов, Ҳ. Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдураҳмонов, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: «Умид юлдузлари» фестивалидан лавҳалар.

МУЛҚДОР

Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг саҳифаси

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республикада олиб борилаётган кўп қиррали амалий вазифалар қаторида қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ишлар алоҳида ўрин тутаяди. Ҳозирги кунда қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаларидан «Тошкент» республика фонд биржаси, Марказий депозитарий ва иккинчи даражада депозитарийлар, ҳисоб-китоб клиринг палатаси, биржадан ташқари савдолар электрон тизими, қатор инвестицион фондлар ва шу соҳага оид бошқа институтлар ҳам фаолият юритмоқда. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириб назорат қилиш туриш учун эса давлат органи — қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича марказ тузилган.

Маълумки, қимматли қоғозлар бозори савдоларида ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар иштирок этади ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ҳар хил миқдорда қиммат қоғозлар харид қилади. Бу эса уларни ўз-ўзидан қимматли қоғозлар мулкдорига айлантиради. Бундай вазиятда мулкдорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қандай ҳимояланади? Бу саволимизга изоҳни Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича марказнинг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Файзулла Абдуллаевич Тўлаевдан илтимос қилдик.

— Ҳозирги кунда қимматли қоғозлар бозори муомаласида асосан акциядорлик жамиятлари акциялари айланмоқда. Шу туфайли акциялар эгалари — акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳақида сўз юритаман.

Қанчаллик инвесторлар, яъни акциядорлар ҳуқуқлари ҳимояланса, қимматли қоғозлар бозори ҳам шунга қараб бўлаверадими. Бундай вазиятда энг муҳими акциядорларнинг ўз ҳуқуқларини билиш ва тушунишлари, шунингдек уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш институтлари ва усуллари ҳам асосий ўрин тутаяди. Давлат томонидан акциядорлар ҳуқуқлари қатор ҳужжатлар асосида амалга оширилади, шу жумладан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқлари ҳимояси ҳақида», «Қимматли қоғозлар бозори механизми ҳақида», «Инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояси ҳақида»ги Қонулар бўйича акциядорлар қўйидаги ҳуқуқларга:

- тегишли акциядорлик жамиятининг акциядорлар реестри ҳисобига киришига;
- ушбу реестр асосида қимматли қоғоз ҳисобланмаган ўзига тегишли ёзма кўрсатма олишига;
- дивиденд кўринишида жамиятининг даромадидан ҳиссага;
- жамият тугатилиши туфайли унинг мол-мулкнинг бир миқдорига ўз ҳиссасига кўра;
- акциядорлик жамияти бошқарувида иштирок этишига;
- ҳужалик-молиявий фаолиятдан тўла ва аниқ маълумот олишига;
- олган дивидендларидан ўз хоҳиши билан фойдаланишига;
- ўзининг ҳуқуқларини ваколатли давлат органи, яъни қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш бўйича марказ ҳамда суд орқали ҳимоя қилишига;
- инвестицион институтлар ва эмитентларнинг нотўғри хат-

ти-ҳаракатлари туфайли кўрилган зарарнинг қопланишига;

- ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар, бошқа жамоат ташкилотларига бирлашишига;
- қимматли қоғозлардан тушадиган даромадлар миқдорини йўқо-

Инвесторлар ҳуқуқларини таъминлаш шартларидан асосий қимматли қоғозлар бозорининг шакллантириш, яъни бозорда эмитент ва унинг қимматли қоғозлари ҳақида маълумотномани нафақат акциядорлик жамиятларига, балки по-

ИНВЕСТОР: ҳуқуқ ва ҳимоя

тиш ёки мумкин бўлган зарарларнинг олдини олиш мақсадида сугурта қилишга ва яна бир қатор имтиёзга эгадирлар.

Қонуларга мувофиқ акциядорлар ҳуқуқлари биринчидан эмитент (акциядорлик жамиятининг бошқарув органи) томонидан ҳимояланади, шунингдек инвестицион институтлар ва фонд биржалари; қимматли қоғозлар бозорининг мустақил бирлашган профессионал иштирокчилари; акциядорлар олдига жамиятнинг маъсулияти қоплатилган. Сугурта ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, қимматли қоғозлар чиқариши рўйхатга олувчи ваколатли давлат органи ҳам акциядорлар ҳуқуқини ўз ҳимоясига олади.

— **Акциядорлар улдушига кўра даромад, яъни дивиденд олмасликлари мумкинми?**

— Марказга инвесторлардан (акциядор) шу каби аризалар ёки жамият тугатилганлиги сабабли ўз маблағларини қайтариб олиш юзасидан аризалар тушади. Кўп ҳолларда акциядор ҳуқуқларини билмаслиги оқибатида ачинарли вазиятга тушиб қолиши мумкин, яъни ҳаттоки кириш қилган маблағларини қайтариб ололмайдими. «Қимматли қоғозлар бозори механизми ҳақида»ги Қонуннинг 30-моддасига биноан ҳар бир инвестор ўзини объектни (яъни ўзи бу жамиятнинг), инвестициялар шакли ва ҳажмини танлаш ўз маъсулиятига тегишли равишда амалга оширилади, демек ўз шахсий инвестицияларини ҳимоялаш бўйича пиროвард маъсулият ҳам инвесторнинг ўзига боғлиқ.

Инвестицион маслаҳатчи мижозга мустақил равишда ўзи бу акциядорлик жамияти акцияларини сотиб олиш учун барча маълумотни бериши мумкин, маслаҳатчи томонидан тавсиялар бериш эса таққиланади. Демак, инвестор акция сотиб олишдан аввал корхонанинг молиявий ҳужалик фаолиятдан тўла воқиф бўлиб, уни тегишли равишда пухта таҳлил қилиб, яъни етти ўлчаб кейин ҳулосага келиши лозим.

тенциал инвесторларга ҳам етказилишидир.

— **Акциядорларнинг ҳуқуқларини таъминлашда марказнинг ўрни ҳақида айтиб ўтсангиз.**

— Мустақиллик йиллари бошида ташкил қилинган акциядорлик жамиятларини табиий равишда, яъни тажрибасизлиги оқибатида бозор иқтисодиёти шароитларида кўнчилик қўйишчилик билан ўтди. Қалдриннинг етишмаслиги, қонуний база йўқлиги қимматли қоғозлар бозори ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Бу қийинчиликларни енгиш учун ҳуқуқ томонидан турли қонуний меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси бўйича давлат комиссиясининг тузилиши (ҳозирда қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича марказга айлантирилган) қимматли қоғозлар бозорини ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Марказ жойлардаги тузилмалари билан биргаликда қимматли қоғозлар бозорини шакллантиришга катта ҳисса қўшди. Қоғозлар бозорига мутахассислар тайёрлаш, қимматли қоғозлар чиқариши рўйхатлаш, бозорда қонунчиликни таъминлаш бўйича текширувлар олиб бориш, акциядорлар аризаларини ҳал қилиш, қимматли қоғозлар бозорининг тажрибали иштирокчилари фаолиятини лицензиялаш, улар билан яқиндан иш олиб бориш — марказнинг шундай кўламини кенг фаолият ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори ривожланишига замин яратди десак муболага бўлмайди. Олиб бориладиган ишлар асосида белгиланган тартибда аудитор текширувлар ўтказилиши, акциядорлик жамияти фаолияти бўйича ҳисоботлар ва умумий мажлислар ҳақида ахборотномалар оммавий ахборот воситаларида чоп этилиши, назорат идораларига тақдим қилиниши йўлга қўйилди.

— **Акциядорларнинг акция со-**

тиб олинишида мақсади бир мулк эгаси бўлишидир. Амалда уларнинг жамият бошқарувида иштироки қандай? Мисоллар билан тушунтириш берсангиз.

— Тажриба шуни кўрсатадики, ҳар доим ҳам инвесторнинг мақсади акциядорлик жамият фаолиятида унинг қимматли қоғозларини сотиб олиш йўли билан иштирок этиш бўлмасдан, балки ҳар хил ҳийла ишлаб унинг мол-мулкига эгалик қилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, «Ўзурмонқоғозсавдо» АЖда ишончли бошқарувчининг ваколатли вакили маъсулиятсизлиги туфайли қайсибир хусусий фирма қонуний равишда акциядорларнинг мажлисида кўнчилик овозга эришиб ва кузатув кенгашининг ишончини қозониб, ижроия органининг ишончли бошқарувига эга бўлди. Ишончли бошқарувчи сифатида жамиятнинг барча мол-мулки билан бошқариб, хусусий фирма амалдаги қонунчиликни кўнчол равишда бузиб акциядорлик жамиятининг асосий мулкни ўзининг фирмасига сотиб юборган. Натижада жамият банкротлик ҳолатига келиб қолган.

Қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш жараёнида аниқланган қонунбузарликлар асосида марказнинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан «Ўзурмонқоғозсавдо» АЖнинг иккинчи эмиссиядаги акциялари бекор қилинди. Ҳужалик суди томонидан эса хусусий фирманинг юқоридаги қарори юзасидан даъво аризаси қондирилмади ва жамиятнинг барча мол-мулки эгасига қайтариб берилди.

Умуман олганда бүгунги кунда кўнчилик акциядорлик жамиятларининг бошқарув органи фаолияти бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермайди. Ўз ҳуқуқларини билмаган ва формал равишда жамият бошқарувида иштирок этаётган акциядорлар туфайли ҳам жамият мулкни талон-тарож бўлишига, молиявий ноқорликка йўл қўйилишига, пиროвард жамиятнинг синишига олиб келмоқда. Ваҳолатини жамиятнинг мол-мулкни сотиш жараёни Давлат мулк қўмитаси вакили иштирокисиз амалга оширилиши мумкин эмас, бироқ шундай ҳоллар тез-тез учраб туради. Масалан, «Газвотоматика» АЖ нинг собиқ директори айби билан бюджет олдидagi тўловлар бўйича боқимандалик юзага келган. Натижада солиқ инспекцияси томонидан жамиятнинг бор мол-мулки рўйхатланиб, таъсисчи жамиятнинг собиқ директори бўлган хусусий фирмага сотилган. Директор ва ишончли бошқарувчининг ваколатли вакили янгилиниб, прокуратура томонидан айбдор шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Марказ томонидан эса жамиятга 1641,5 миң сўм миқдорда иқтисодий жарима солинди. Ҳозирги пайтда янги раҳбарлар саъй-ҳаракати билан сўнний равишда оғир молиявий ҳолатга тушиб қолган жамиятни тиклаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилкоқда.

Қолаверса, шу йилнинг 9 ойи ичида ўтказилган текширувлар натижасида камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳуқуқбузарларга 84 та тақдимида берилган, 31 та қарор бўйича 10765,3 миң сўм миқдорда жарима солинган.

Келтирилган рақамлар акциядорлик жамиятлари бозор шариоитида ҳали кўп ишларни амалга оширишлари лозимлигини кўрсатиб турибди.

Сухбатни ИЛЬМИРА ЗАЙНУТДИНОВА ёзиб олди.

3 ДЕКАБРЬ — ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

Саховатли бўлинг, азизлар

Бир оғиз ширин сўзга муҳтож, жисмонан заиф инсонга ёрдам кўлини чўзиш, саховат кўрсатиш саъбу ишлар сирасига киряди.

Пойтахтимизда истиқомат қилаётган қалби меҳрга ташна ногиронларнинг ўқиши, ишлаши, касб ўрганишига, бир сўз билан айтганда ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам кўрсатаётган Тошкент шаҳар ўзaro ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг фаолияти билан яқиндан танишиш ниятида маъмур жамият раиси ХАБИБУЛЛА ЖАЛИЛОВ билан мулоқотда бўлдик.

— Халқимизда «Меҳр кўрсат — меҳр кўргайсан» деган ҳикматли ибора бор. Шу боисдан истиқлол шарофати билан шахримизда истиқомат қилаётган жисмонан заиф, қалби меҳрга ташна инсонлар бўлиши ногиронларнинг оғирини енгиб қилиш мақсадида ташкил этилган Тошкент шаҳар ўзaro ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг ногиронлар ҳаётида тутган ўрни салмоқли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Жамиятимиз ташкил этилибдики, қанчадан қанча саховатга ташна инсонлар иш билан таъминланди, касб ўрганди, билим олди. Хуллас, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлди. Бу борада доимо жамиятимизга мадад кўлини чўзиб келаётган ҳомий ташкилотлар, хусусан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ёрдамчини эслаш ўринлидир.

Айни кунларда жамиятимиз аъзоларининг сони 2000 нафарга етди. Жорий йилнинг шу кунигача жамиятимиз аъзоларига ҳомийлик ёрдамида 10 миллион 526 миң сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари ҳар бир байрамда, хусусан Мустақиллик, Наврўз ҳамда Халқаро ногиронлар кунинда ҳар бир туманда тадбирлар уюштирилмоқда. Ногиронларга ушбу тадбирларда турли хил совғалар инъом этилаётганлигининг ўзи бу тоифа инсонларга кўрсатилаётган гамхўрликнинг намунасидир. Дароғат, буғун Халқаро ногиронлар кунини муносабати билан Яққасарой туманидаги «Табассум» қаҳвахонасида ҳамда Миробод туманидаги «Бахт» қаҳвахонасида шу туманларда истиқомат қилаётган саховатга ташна инсонлар учун тадбир ўтказилмоқда. Шуниси қувончлики, ушбу тадбирда иштирок этаётган жамиятимизнинг 400 нафар аъзолари ҳомийлик саховати туфайли совғалар билан сийланганлар, 5 нафарига эса ногиронлар аравачаси тақдим этилади. Фурсатдан фойдаланиб жамиятимиз аъзоларига кўмак кўлини узатган ҳомийларимизга, хусусан Тошкент шаҳар, Миробод, Яққасарой туманлари ҳокимликларига, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Республика Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда халқаро ЮНИСЕФ ташкилотига яна бир бор ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Энди режаларга тўхталадиган бўлсак, ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Ниятимиз келгусида кичик корхоналар ташкил этиш, бундан ташқари қурилиши давом этаётган мамлакатимизда ягона «Укув» ишлаб чиқариш ва даволаш маркази» ҳомийларимиз ёрдамида ишга тушиш кўпгина ногиронлар иш билан таъминланган бўлур эди. Ҳозирда биз ўз бинимизга эга бўлиш учун ҳаракат қилаёلمиз. Бундай савобли юмушга бош ҳомийимиз Тошкент шаҳар ҳокимлиги катта ёрдам беради деган умиддамы. Сўзим ниятисиде Халқаро ногиронлар кунинда ва азиз ҳамшаҳарларимизга саховатли бўлинг, азизлар, чунки бунда ҳикмат кўп дейман. Чунки кўтлуг ва муборақ — моҳи Рамазон ойларида қалби меҳрга ташна инсонларга мададкор бўлган саховатпешаларнинг ишалаб бартараф қилиниши лозим.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ суҳбатлашди.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

- Хушмуомалалик ва камтарлик кишининг чинакам маърифатлигидан дарак беради.
- Кўполлик — руҳий шошма-шошарлик.
- Ахлоқий босиқлик — эзгуликдир.
- Ақли одам шундай одамки, қийин вазиятдан осонгина қутулиб кетади. Доно шундай одамки, қийин вазиятга асло тушмайди.

Луқмони ҳаким саҳродан кетиб борарди. Узоқдан бир киши кўринди. Яқин келган Луқмондан сўради: «Неча соатда шаҳарга етман?» Луқмон деди: «Йўлингдан қолма». У киши сўради: «Нима, сўроғимни эшитмадингми, неча соатда шаҳарга етман?» Луқмон яна деди: «Йўлингдан қолма». У киши ўзинча ўйлади, бу одам девона бўлса керак. Бошқа сўз айтмай йўлга тушди. Бир неча қадам узоқлашган Луқмон ҳаким деди: «Икки соатда етасан».

У киши қайтиб келди ва сўради: «Нимага аввал жавоб бермадинг?» «Чунки мен сенинг юришингни кўрмаган эдим: секин юрсанми, тез юрсанми? Энди кўриб, ҳисоблаб қикдим ва икки соатда етишингни билдим».

Байт:
Оқиллар наздида гар ўлтириш одобдир, Маслаҳат ташлаганда сўзга кўрсатил қиммат. Икки нарсга ақлга сигмайди агар билсанг, Сўзлаш пайти сукуту керакис жойда суҳбат.

- Иғвогарлик қалбимизни яралайдиган муҳиш оғудир. Виждони пок одам ҳеч кимнинг иғвосини қилмайди. Иғво бахтли кишининг душмани.
- Эзгу ниятли кишида уч фазилат бор. Тоат-ибодатга ибрат кўрсатади, гуноҳлардан сақланади, ёмонлик қилган кишига яхшилик қилади.
- Бир одам қул сотиб олаётган эди, сотувчи: — Унинг бир айби бор, сўз ташувчи — иғвогар, — деди.

Харидор:
— Бунинг аҳамияти йўқ, — деб сотиб олди. Бир неча кун ўтгандан кейин қул уй соҳибининг хотинига: — Сени эринг яхши кўрмайди, яқинда бир аёлга уйланиш ниятида. Мен сенга бир яхши маслаҳат берайми? — деди.

Хотин:
— Майли, — деди.
— Эринг ухлаётганда устара билан унинг бошини сочидан кесиб ол, шунда уйлана олмайди, — деди қул ақл ўргатиб.

Хотин: «Хўп», деди.
Кечки пайт уй соҳиб келганда қул унга: — Сени хотининг бошқа бир эркак билан ўйнашадими, ундан қутилишни истайсанми? — деди ва яна: — Кечаси ётганда хотининг сени устара билан сўймоқчи бўлади, сен унинг ўзини ўлдир, — деди. Кечаси ётганларидан бироз вақт ўтган, хотин туриб устара олиб келар экан, эри, у мени сўймоқчи деб хотинини ўлдирди. Хотиннинг қариндошлари уни ўлдирдилар, унинг қариндошлари хотиннинг қариндошларини ўлдирдилар. Икки тараф бири бири билан қирпичоқ бўлди.

Иғвогарлик, қар ташин инсонларни шу аҳволга солиб душман этадиган бир балодир. Иғводий бир ёмон фитна йўқдир. Фитнанинг катта-кичиги бўлмайди, кичигидан қочмаган, каттасидан қутила олмайди.

Байт:
Четлаб ўтган иғвогарни кўрсанг гар, Найзасики унинг бўлмас беэаҳар.

Бир киши айтди: «Истиқомат қалбидан тўрт гавҳар бўлиб, бу тўрт гавҳарнинг тўртта душмани бўлади. Биринчиси — ақл гавҳаридир. Унинг душмани — гавзабдир. Иккинчиси — илм гавҳари. Унинг душмани — такаббурликдир. Учинчиси — қаноат гавҳари. Унинг душмани — хирсдир. Тўртинчи — саҳийлик гавҳари. Унинг душмани — таъмадир.

Байт:
Бешак билинг, бу дунё барча элдин ўтаро, Инномағил молиндоғ, бир кун қўлдин кетаро.

Ото-оно, қариндош, қаён кетти фикр қил, Тўрт аёғинг чўбин от бир кун санга етаро.

Дунё учун гам ема, Ҳақдин ўзгани дема, Киши молини ема, сирот узра тутаро.

Аҳли, аёл, қариндош, ҳеч ким бўлмайду йўлдош, Мардона бўл гариб бош, умринг елдек ўтаро.

Қул Хожа Аҳмад тоат қил, умринг билман неча йил, Аслинг билсанг, оби гил, яна гилга кетаро.

- Севги — ҳаётнинг буюк беэағи.
- Чин муҳаббат меъёр ва чегарани билмайди.
- Севилиш бой бўлишдан афзалроқ, суякни бўлиш — бахтли бўлиш дегандир.
- Табиатнинг ўзи олийжанобликдан маҳрум бўлган одамларга ҳам чин муҳаббат олийжаноблик бахш этади.
- Севги мислсиз қудратга эга: дунёда унинг гамига йўлиқшдан ҳам оғирроқ жазо йўқ, ундан баҳраманд бўлишдан ортироқ бахт йўқ.
- Севги туйғуларимизнинг энг тозасидир.
- Буюк қалблар севгини улуғлайди.
- Севги нималигини билмайдиган тентакка фақат ачиниш керак.

Хикоят: бир доно кўчада кетиб бораётса, болалар гўж бўлиб олишиб, ҳадеб бир девор тешигидан қарашар эмиш.

Дона ҳам қизиқиб тешиқдан қараса, ошиқ-маъшук бир -бирининг висолидан сархуш бўлиб ўтирган эмиш. Дона тешиқка кесак қўйиб, устини лой билан суваб кетибди.

Байт:
Кимда йўқдур қалба оташ, кимда йўқдур эҳтирос, Мен уни сувсиз, куруқ дарёга, қилгайман қиёс. Барча дарёлар шошар, уммонни қўзлаб, ҳар қачон. У қочар уммон қолиб, гўёки саҳролар томон.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Сантехкуйма» очик акциядорлик жамиятига чет эл инвестицияси киритилади. Чет эл инвестори сифатида Нидерландиянинг «Compect Europe B.V.» компанияси тайинланди.

Яна биттага ошди

Ушбу машҳур компания акциядорлик жамиятининг бизнес режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мажбуриятини олади. Бу халқаро стандартлар асосида ОАЖ томонидан чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ошириш йўли билан ишлаб чиқаришни, шу жумладан технологик жараёни модернизациялаш ҳисобига ривожлантириш деган сўзидир. Чет эллик ҳамкорлар шунингдек ушбу жамиятга ўз улуши сифатида 4 миллион АҚШ доллариға яқин маблағ киритади.

Давлат мулк қўмитаси ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси тақлифига асосан «Сантехкуйма» АЖнинг 51 фоиз акциялари чет эл компаниясига сотилади. Ушбу акцияларнинг 31,1 фоизи чет эл инвестор учун мўлжалланган бўлиб, қолган 11,9 фоизи давлат улушининг қамайиши ҳисобидир.

Сотиладиган 39,1 фоиз акциядан тушган 249,5 миң АҚШ доллариға тенг эквивалент миқдориди маблағ тўла ҳажмда «Сантехкуйма» АЖга кредитор қарзларини тўлашга ва чет элдан хом ашё харид қилишга йўналтирилади.

Чет эл инвестори Ўзбекистондаги имтиёزلардан фойдаланган ҳолда йилга бож тўловларидан озод этилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон бозори яна битта чет эллик мулкдорга қўлайди.

2001 йил бошидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил қилиш ва уларга уй жойларни топшириш ишлари давом этиб, туман коммунал фойдаланиш бошқармалари хизмат кўрсатаётган уй жой фонди ойма-ой қисқариб бормоқда.

2001 йил 1 октябрь ҳолатига кўра Чилонзор ва Ҳамза туманларидан ташқари Тошкент шаҳридаги барча уй-жойлар фонди ширкатларга топширилган. Шу кунларда жойларда ширкатлар ташкил қилиниши давом этмоқда. Бироқ бу жараён ҳар сафар ҳам силлиқлик билан амалга ошмоқда, дейиш нотўғри булар эди, яъни асосан ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича муаммолар ва камчиликлар ҳам кузатилмоқда. Шу туфайли янги ташкил қилинаётган ширкатлар эгаларига эслатма бермоқчимиз.

Уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибига биноан ширкат ташкил қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- таъсис мажлиси томонидан имзоланган ариза;
- таъсис мажлиси баённомасидан кўчирма;
- ширкат низоми;
- турар-жой хоналар мулкдорлари рўйхати;
- уйнинг инвентар иши ёки

Жойлардаги ширкатлар



эгаллик паспорти.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун мақсуд тўлов ҳам амалга оширилади, унинг миқдори эса жойлардаги давлат идоралари томонидан белгиланади. Ўз навбатида идоралар тузилаётган ширкатни бу тўловдан озод қилишлари ҳам мумкин.

Янги тузилган ширкатга коммунал фойдаланиш бошқармалари

- бухгалтерия ҳужжатларини;
- инвентаризация ишларини;
- барча муҳандислик тизим ва тузилмалар бўйича техник ҳужжатларни топширишлари лозим.

Яна бир муҳим эслатма. Кўп қаватли уй-жойлардаги умумий фойдаланиш жойларига эгалик қилиш ваколати фақат барча хонадон эгалари — мулкдорлар келишуви асосида берилди.

Агар австралиялик Клавс исмли кимса соқолини кўйиб юборганида бир ойда уч ярим метрга ўсиб, ўн ойда 35-40 метрга етди...

Осмондан тушган башоратчи

Швейцариянинг Венсен шаҳарчаси агрофидоги аҳоли шу атрофда пайдо бўлиб қолган сайёх билан қизиқ...

Ғойиб бўлган кампир

Бразилияда жуда ҳам қари бир кампир яшайди. Унинг қулбаси шаҳар ва қишлоқлардан чекада, дарё бўйида жойлашган...

Улар кампир билан суҳбатлашиб, унинг ёшани аниқлашга эришадилар. Аммо жиҳоблаб кўриб ишонмайдилар...

Улар кампир билан суҳбатлашиб, унинг ёшани аниқлашга эришадилар. Аммо жиҳоблаб кўриб ишонмайдилар...

Кейинчалик кампирнинг олдида кўпчилик келиб кетади. Аста-секин дарё атрофидаги қишлоқлардан қишлоқ унга қатъий бошлайдилар...

Тошкент мелиорация ва сув ҳўжалиги коллежи мавъу-бияти ва жомоаси коллежи директори Ғузмет Анварметовга тўқмуш ўртоғи...

Ғалвир сувдан кўтарилиди



Нихоят миллионлаб футбол ишқибозларини ҳаяжонга солган, гоҳида хурсанд этиб, гоҳида ранжишларига сабабчи бўлган мамлакат X миллий чемпионати ҳам ниҳоятга етди.

Олий лигани «Сурхон», «Кимёгар», «Турон» ва «Семур» жамоалари тарқ этишди. Келаси йилдан эса бу жамоалар ўрнида Кўкониинг «Темирйўли» ҳамда Муборакнинг «Машъал» жамоалари тўп суришади...

Мақоламизга нукта қўйиш аввалида келаси йилдан олий лигада 16 жамоа иштирок этишини таъкидлашни хоҳлардик...

Дилмурод ИСМОИЛОВ, Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

Table with 7 columns: Jamoalar, Y, Yu, D, M, T-N, O. It lists the top 18 teams of the football league.

Аёллар футболлари

Осиё чемпионатида омад ёр бўлсин!

1995 йилдан буй республикамизда аёллар футболлари ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Жумладан, вилоятлар чемпионатлари мунтазам ўтказилиб турибди...

Даврон ИСМАТОВ

Жаҳон чемпионати — 2002

Қуръа ташлаш маросими ўтказилди

Жанубий Корея ва Японияда 2002 йилда ўтказилган жаҳон чемпионати финалида иштирок этувчи 32 терма жамоалар номи маълум бўлган...

- List of participating teams: «С» гуруҳи Бразилия, Туркия, Хитой, Коста-Рика, «Ж» гуруҳи Германия, Ирландия, Камерун, Саудия Арабистони, «Н» гуруҳи Россия, Англия, «В» гуруҳи ЖАР, Парагвай, Испания, Франция, «Д» гуруҳи Жанубий Корея, Португалия, АКШ, «Ж» гуруҳи Хорватия, Эквадор, Италия, Мексика, «Н» гуруҳи Россия, Тунис, Бельгия, Япония, Аъзам ЕДГОРОВ

Ушбуни тинглар эканман, ёдимдан болалигимдаги бир воқеа кино тасмасидек лип этиб ўтди. Раҳматли Оташайх амаким хонадонларида тўй таррадуҳи кўрилар эди...

Баён этган сулолалар қаторида шундай шаҳарлар борким, улар нафақат ўлкамиз, балки кўшни республика халқлари орасида ҳам машҳур бўлиб кетганлар...

Хат, бу ниҳоятда қувонарли ҳол. Санъатимизда қўлаб бетакрор санъаткорлар ўтган ва халқ уларнинг сози, овозини ҳамон кўйсак...

Буни мақтаншига бурмоқчи эмасман, балки сулола ҳам илоҳий неъмат эканлигини, бу ҳар бир авлодга ҳам насиб этавермаслигини тасдиқ этмоқчиман...

Хатини: — Биласанимиз азизим, менинг росаям «Мерседес» сотиб олгим келаяпти. Маза қилардик. Дунёни кўриб келардик...

Хатини: — Биласанимиз азизим, менинг росаям «Мерседес» сотиб олгим келаяпти. Маза қилардик. Дунёни кўриб келардик...

Эҳтиётсизлик оқибати

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 7 ноябрдаги 622-Ф-сонли Фармойишига асосан мамлакатимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда...

Халқимизда «Кейинги пушаймон — ўзингга душман», деган мақол бор. Хозирданок ёнғин балосидек қулфатни содир бўлишининг олдини олиш мақсадида хозирги кунда содир бўлаётган ёнғинларнинг тахлилига назар ташласак...

Ривоят қилишларича бир ёлғиз ўғил ота вафотидан сўнг кўп касбларнинг қўлидан тутиб кўрибди, аммо ҳар қанча уринмасини ишининг унуми бўлмабди...

Кўн ботиши билан секин-аста томининг мўрисидадан бир хонага тушибди. Хона тўрида гўзал бир қиз нозик ўйқуда экан. Шарпадан чўчиб ўйонган қиз йигитга кўзи тушган...

Бу қизик тақлифдан йигитнинг ҳайратини ошибди. Шунда бой: — Сўзларимдан зинҳор ажабланма, сен ўзинг билмаган ҳолда мени орузимга етказдинг...

«УМР ЛАҲЗАЛАРИ» ТУРКУМИДАН СУЛОЛА

Гўзал Ургут аҳли ўзининг қуллолар сулоласи билан фарқланади. Сулола боши — 1648 йилда таваллуд топган Абдулла қулло ишонининг саккизинчи авлоди...

Кўнча даҳасида машҳур ёғоч устаси, уста Сайфиддинхон ака макон товланган. У кишининг жами ўн иккита — саккиз ўғил, тўрт нафар қиз фарзандлари бор...

Эру хотин машинани автоустахонага судраб боришарди. Эри деди: — Менга шу машинани сотган одам ҳақ экан...

Эру хотин тапплашиш-япти. Эру хотин тапплашиш-япти. Эру хотин тапплашиш-япти. Эру хотин тапплашиш-япти.

Advertisement for Akmal Akromov, head editor, with contact information and address.

Advertisement for Shermatov, head editor, with contact information and address.